



230100, Nukus shahri, Dosnazarov ko'chasi, 62-uy
Tel.: 0 (361) 222-24-37, 222-95-20, faks: 222-98-30
web-site: www.kkedu.uz, e-mail: mno.rk@exat.uz

230100, Nókis qalasi, Dosnazarov kóshesi 62-úy
Tel.: 0 (361) 222-24-37, 222-95-20, faks: 222-98-30
web-site: www.kkedu.uz, e-mail: mno.rk@exat.uz

« 13 » август 2021-у.

№ 01-01/03-3668 « _____ »- _____ 2021-ж.

Ўзбекистон Республикаси
Халқ таълими вазири
Ш.Шерматовга

Хурматли Шерзод Ҳотамович,

Ҳозирги кунда, жаҳон миқёсида ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси шиддат билан ривожланиб бораётган бир пайтда ва шу соҳа вакиллари томонидан яратилган электрон тизимлар, рақамли технологиялар нафақат таълим соҳасида, балки яна кўпгина соҳаларда ҳам кенг қўлланилиб, шу орқали халқимизга кўп қулайликлар, энгилликлар яратилаётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Халқ таълими тизимида ҳам бир нечта электрон тизимлар жорий этилиб, булар орқали таълим тизимидаги бошқарув ишларида ва ўқув жараёнида ходимларга, ўқитувчи ва ўқувчиларимизга кўп қулайликлар туғдирилмоқда. Энг асосийси, электрон тизимлар ва рақамли технологияларни кўпроқ ўқув жараёнида кенг қўлланилиши таълим сифати ошишига хизмат қилувчи омил эканлиги яққол кўринмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги деярли барча мактаблар юқори тезлик билан Интернет тармоғига уланган. Шу билан бирга, Интернет тармоғида қорақолпоқ тилида маънавиятимиз ва маданиятимизни акс эттирган ўқув ресурслар кам миқдорда. Чет элнинг энг яхши тажрибалар асосида ишлаб чиқилган электрон таълим ўқиш ресурсларини жорий этиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига ҳамкорлик таклифи билан «Bilimland» МЧЖ мурожаат қилди.

Дарс жараёнини янада қизиқарли ва электрон платформа манбаларидан кенг фойдаланган ҳолда ўтказиш ҳамда масофавий ўқитишда ҳам кенг имкониятлари мавжуд бўлган Bilimland.uz ва Twig.uz ўқув электрон платформалари имкониятлари билан Қорақалпоғистон Республикаси етакчи олим ва педагоглари йиғиб танишиб чиқдик.

Тизимнинг афзалликлари қуйидагилардан иборат:

1. Тизим ривожланган давлатлар электрон таълим платформаларини ўзида жам (АҚШ, Финляндия, Англия ва ҳ.к.) қилганлиги;
2. Таълим соҳасида хизмат қилувчи ўқитувчи ва мураббийлар учун мультимедия асосида дарсликларнинг яратилганлиги;
3. Ўқув электрон платформадан фойдаланиш компьютер саводхонлиги даражасини кўтаришда кўмакчиларданлиги;
4. Платформада чет тилларни ўрганиш (Twig.uz) билан биргаликда фанни ҳам ўрганиш имкониятлари борлиги.

Платформаларда жойлаштирилган таълим ресурслари бўйича Ўзбекистон Республикаси Таълим Марказининг ижобий хулосаси мавжуд эканлиги ҳамда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида пилот-синов тажрибалари ўтказилиб, ўқитувчи ва ўқувчилар, ота-оналар орасида жуда катта қизиқиш билан кутиб олинганлиги, қолаверса, «Bilimland» МЧЖ администрацияси Bilimland.uz ва Twig.uz электрон платформаларидаги таълим ресурсларини қорақалпоқ тилига ҳам таржима қилиб беришга тайёр эканлиги бизда катта қизиқиш уйғотди. Bilimland.uz ва Twig.uz электрон платформаларини мактабларимизда жорий этилса ва уларнинг масофавий ўқитиш имкониятларини ҳисобга олиб, “Электрон кундалик” тизими билан интеграция қилинса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ўқув электрон платформанинг юқорида кўрсатилган имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, бу электрон платформани қорақалпоқ тилида яратиш ва уни республикамизнинг барча мактабларида ундан фойдаланиш имкониятини яратиш мақсадида, Bilimland компанияси таклиф этаётган платформани Қорақолпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Қорақолпоғистон Республикаси Таълим Маркази билан ҳамкорликда, қорақалпоқ тилида, бизнинг маънавиятимиз ва маданиятимизни ҳисобга олган ҳолда ишга тушириш бўйича муносабат билдиришингизни сўраймиз.

Ҳурмат билан,

Қорақалпоғистон Республикаси
Халқ таълими вазири

Р.Реимов

Ижрочи: Р.Худайбердиев
Тел: 93 485 17 51

Xalq ta'limi tizimiga oid barcha yangiliklardan quyidagi havolalar orqali xabardor bo'lishingiz mumkin



www.uzedu.uz



t.me/uzedu



facebook.com/uzedu



instagram.com/uzedu.uz